

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ЗОХИДОВ МАНСУР МАХМУДОВИЧ

**ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР БИНОЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ
ГЕЛИОТЕХНИК АСОСЛАРИ**

**05.09.01 – Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар
18.00.02 – Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини
режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси
(техника фанлари).**

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2022

Докторлик (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации
Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Зоҳидов Мансур Махмудович Энергиясамарадор биноларни лойиҳалашнинг гелиотехник асослари.....	3
Заҳидов Мансур Махмудович Гелиотехнические основы проектирования энергоэффективных зданий.....	29
Zakhidov Mansur Makhmudovich Heliotechnical bazes of designing energy efficient buildings.....	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ Listof published works.....	59

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ЗОХИДОВ МАНСУР МАХМУДОВИЧ

**ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР БИНОЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ
ГЕЛИОТЕХНИК АСОСЛАРИ**

**05.09.01 – Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар
18.00.02 – Районлаштириш. Шаҳарсозлик. Қишлоқ турар жойларини
режалаштириш. Ландшафт архитектураси. Бино ва иншоотлар архитектураси
(техника фанлари).**

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.4.DSc/T408 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Щипачева Елена Владимировна
техника фанлари доктори, профессор

Уралов Ахтам Синдарович
архитектура фанлари доктори, профессор

Кличев Шавкат Исакович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

МСНЖ «QISHLOQQURILISHLOYIHA»

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.T.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 30 август соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент, Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. Архитектура факультетининг мажлислар зали). Тел.: (+99871) 241-10-84); факс: (+99871) 241-80-00, e.mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 85 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик қалқа йули кўчаси, 7-уй, тел.: (+99871) 244-63-30, факс: (+99871) 241-15-11, e.mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022-йил " ____ " _____ да тарқатилди. (2022-йил 25 апрелдаги 1 рақамли регистр баённомаси).



Х.А. Акрамов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.Т. Хотамов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., доцент.

Д.А. Нозилов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, арх.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда биноларни анъанавий усулда энергия билан таъминлашда кузатилаётган ортиқча ёқилғи сарфининг ҳозирги энергиятежамкорлик талабларга жавоб бермаслиги ва ёниш жараёнида ҳосил бўладиган захарли маҳсулотларнинг атроф-муҳитни ифлослантириши сабабли жаҳонда биноларни энергиясамарадорлигини ошириш билан бир қаторда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламларини кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда «... қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергияни ишлаб чиқариш йилига 7% га ўсиб келмоқда, шундан шамол ва қуёш энергетикасининг улуши 60% ни ташкил этмоқда. 2030 йилга келиб, нол эмиссия сценарийсида ишлаб чиқаришнинг 60% дан ортигини қайта тикланадиган энергия манбаларини ташкил этиши белгиланган»¹. Бу борада, жумладан биноларни энергиясамарадорлигини ошириш билан бирга қуёш иситиш тизимларини қўллашда оптимал архитектура ва конструктив ечимларни ишлаб чиқиш бино энергетик кўрсаткичларини баҳолаш ва моделлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳоннинг етакчи илмий марказларида биноларни иситишда муқобил энергия манбаларидан кенг кўламда ва самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада жаҳондаги янги талаблардан келиб чиқиб, бинолардан фойдаланиш даврида уларни иситиш учун сарфланадиган энергияни тежашда пассив қуёш иситиш тизимидан фойдаланиш ҳамда бинони ташқи қобиғи орқали иссиқлик йўқолишларини камайтиришда қуёш иситиш тизими таъсирини ҳисобга олган ҳолда мақбул архитектуравий ва конструктив ечимларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Бу йўналишда, махсус гелиоқурилмалардан фойдаланмай қуёш нури энергиясини бинони ўзида иссиқликка айлантириб хоналарни иситиш усулини самарадорлигини ошириш ва бинонинг мақбул лойиҳа ечимларини аниқлаш вазифалари муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда биноларни энергиясамарадорлигини ошириш қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш ва самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган янги технологияларни яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «... иқтисодий электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодий” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодийнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ...»² бўйича вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, қуёш нури билан иситиладиган биноларни

¹https://mmi.fem.sumdu.edu.ua/sites/default/files/mmi2015_3_84_104.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

белгиланган солиштирма энергия сарфини таъминловчи архитектуравий лойиҳалашнинг гелиотехник асосларини ва услубиятини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сон «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилги-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш” ва IV “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш усуллари ривожлантириш, нанотехнологиялар, фотоника ва бошқа илғор технология асосида технологиялар ва қурилмаларни яратиш” устивор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий -тадқиқотлар шарҳи³. Дунёнинг етакчи тадқиқот марказлари ва университетлари, шу жумладан, Массачусетс технология институти, Висконсин университети, Лос-Аламосдаги Миллий Лаборатория, Қайта тикланадиган энергия манбалари миллий лабораторияси, АҚШ миллий стандартлар бюроси (АҚШ), Иссиқлик энергияси технологиялари институти, Кассел университети, Viessmann (Германия), GREEN one ТЕС (Австрия), Қуёш технологиялари институти (Швейцария), Қуёш энергияси миллий маркази (Хиндистон), Хитой Фанлар академиясининг Энергетик тадқиқотлари институти (Хитой Халқ Республикаси), FiveStar (КРН) (АҚШ), Россия Фанлар академиясининг Бирлашган юқори ҳароратлар институти (Россия Федерацияси), “МЭИ” Миллий тадқиқот университетида (Россия Федерацияси), Туркменистон Фанлар академиясининг “ГУН” ИИЧБси (Туркменистон Республикаси), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг “Физика-Қуёш” ИИЧБси, АЖ ToshuyjoyLITI (собик “ТашЗНИИЭП”) ва Тошкент архитектура-қурилиш институтида (Ўзбекистон Республикаси) қуёш энергияси ёрдамида биноларни иситиш ва иситиш тизимларини самарадорлигини ошириш назарияси ва амалиётини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.iea-shc.org>; <http://www.ren21.net>; <https://www.sciencedirect.com/>; <https://www.researchgate.net/>; <https://www.scientific.net/>; <https://www.academia.edu/>; <https://www.elsevier.com/> ва бошқа манбалар асосида бажарилган

Бинони қуёш билан иситиш тизимларида қуёш нури энергиясини иссиқликка айлантириш, хоналарни иситишга йўналтириш иссиқлик аккумуляторларида тўплаш бўйича бажарилган тадқиқотлар негизида дунё миқёсида бир қатор долзарб муаммолар ечилган ва қуйидаги муҳим илмий натижаларга эришилган, жумладан: қуёш энергиясида иситилувчи биноларнинг илмий асосланган лойиҳалари бўйича қурилган биноларда ҳархил об-ҳаво шароитида даврий ва узлукли тушаётган қуёш энергияси бинони энергия сарфини камайтиришига ҳамда хона ҳароратини етарли бўлиши ва ўзгариши билан боғлиқ ҳисобий-назарий ва тажрибавий изланишлар асосида қуёш билан иситилувчи уйларнинг энергиясамарадорлигини ошириш ва ёз шароитида хоналарни ортиқча қизиқ кетмаслигини олдини олувчи самарали ечимларни ишлаб чиқиш борасида гелиоқурилмаларни бинога жойлаштириш, уларни ориентацияси ва керакли юзасини аниқлаш (Массачусетс технология институти, АҚШ; Қуёш технологиялари институти Швейцария; Қуёш энергияси миллий маркази, Хиндистон); ясси қуёш коллекторлари ва қуёш энергиясида ишловчи иссиқлик таъминоти тизимлари, автоном ва комбинациялашган иссиқ сув таъминоти тизимларининг намуналарини яратиш ва асосий иссиқлик техникавий кўрсаткичларини аниқлаш (АҚШ миллий стандартлар бюроси, АҚШ; Россия Фанлар академиясининг Бирлашган юқори ҳароратлар институти, Россия Федерацияси; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институти, Ўзбекистон).

Дунёда қуёш энергиясида иситилувчи биноларни иқтисодий ва энергетик самарадорлигини ошириш борасида бинони тўсувчи конструкцияларини иссиқлик ўтказишга қаршилигини ошириш ва шу билан бирга қиммат гелиоқурулмаларни қўлламайдиган оддий, иқтисодий ва энергетик самарадор пасив қуёш иситиш тизимини қўллашда бинони тўсувчи ва ички иссиқлик сифими юқори бўлган конструкциялардан самарали фойдаланишнинг илмий асосларини яратиш ва гелиоуйларни лойиҳалашнинг оптимал талабларини ишлаб чиқиш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қуёш энергиясида иситилувчи биноларни лойиҳавий ечимлари ва иситиш тизимларининг иқтисодий ва энергетик самарадорлиги ва ишончилигини ошириш каби йўналишда илмий тадқиқотлар масалалари ва муаммолари бир қатор хориж олимлари: Дж.Э.Аронин, Bruce Anderson, Дуглас Балкомб, Branko Lalovic, Лупчо Филлиповски, А.Н. Сахаров, И.И. Анисимова, Э.В. Сарнацкий, С.К. Саркисов, П.А. Казанцев, Н.П. Селиванов, Г.И. Полторак, С. Зоколей, С. Удел, Б. Андерсон, Д. Ватсон, А. Шуберт, Г. Хилльман ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган ва муҳим натижаларга эришилган.

Ўзбекистонда гелиотехника ютуқларини биноларни иситишга амалий тадбиқ этиш билан боғлиқ муаммолар устида илмий ишлар олиб борган ва илк бор амалиётга тадбиқ қилган олимлар: Ғ.Ё. Умаров, Р.Р., Захидов Р.А., Аvezов Р.Р., Вардияшвили А.Б., Ю.К.Рашидов, Клычева Ш.И. Гелиоуйларни лойиҳалаш муаммоларини ечиш борасида В.А. Ақопджанян, М.М. Зоҳидов, Н.И. Масленников, М.А. Демидова, С.С. Ушакова, А.А. Саидов, Б.А. Инагамов ва бошқалар турли йилларда ўз тадқиқотларида ушбу

масалани ҳал этишга сезиларли ҳисса қўшганлар. Ушбу тадқиқотларнинг аксариятида қуёш иситиш тизими қўлланишига мослашмаган ва тўсувчи конструкциялари иссиқликдан ҳимояланмаган биноларга тадбиқ қинган.

Амалга оширилган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қуёш нури билан иситиладиган биноларни белгиланган солиштирма энергия сарфини таъминловчи архитектуравий лойиҳалашнинг гелиотехник асосларини ва услубиятини ишлаб чиқишда гелиоқурилманинг қуёш нурини ютиш юзасини бинони иситиш юзасига нисбатидан фойдаланиш, гелиоқурилмаларни бинога жойлаштиришда шу қурилмаларни бинони энергия сарфини камайтириш ва ёзда бинони ортиқча исиб кетишини олдини олиш имкониятларига эътибор қаратилмаган. Ҳозирги кунда бинонинг тўсувчи конструкцияларини иссиқликдан ҳимояланиш даражаси ва бинони иссиқликка турғунлигини ҳисобга олган ҳолда гелиобиноларни лойиҳалаш долзорб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ КА4-003 “Тошкент вилоятида қурилган биринчи қуёшли уй тажрибаси асосида қишлоқ шароити учун намунавий энергиятежамкор турар-жой биноларини лойиҳалаш асосларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш” (2012-2014 йй.) ҳамда ОТ-А14-15 “Намунавий қишлоқ уйларида уларнинг нархини оширмаган ҳолда маҳаллий қурилиш ашёларини қўллаш асосида энергиятежамкор технологияларни тадбиқ этиш” (2017-2018 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қуёш нури билан иситиладиган биноларни белгиланган солиштирма энергия сарфини таъминловчи архитектуравий лойиҳалашнинг гелиотехник асосларини ва услубиятини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бинолар энергиясамарадорлигини миқдорий баҳолашни аниқлаш ва биноларни энергия сарфи бўйича таснифлаш;

қуёш энергияси билан таъминлаш тизимлари ва уларни гелиоуйлари архитектуравий лойиҳалашга тасирини ўрганиш;

қуёш энергияси билан иситиладиган энергиясамарадор биноларни шаклланиш омилларини аниқлаш;

энергиясамарадор биноларни лойиҳалашда гелиотехник талабларни аниқлашга қаратилган назарий ва ҳисобий тадқиқотларни ўтказиш;

иситиш учун фойдаланилаётган қуёш энергиясини тушишини узлуклилигини эътиборга олган ҳолда бинонинг иссиқликка турғунлиги ва иссиқлик сақлаш хусусиятларига бўладиган талабларни ишлаб чиқиш;

экспериментал тадқиқотлар асосида пассив қуёш иситиш тизимларини ҳақиқий энергетик самарадорлигини ва ҳосил бўлаётган температура режимини барқарорлигини аниқлаш;

кам қаватли гелиоуйлари ҳажмий-фазовий ечимлари гелиоқурилмаларни бино ҳажмида ҳар хил жойлашишига қараб миқдорий энергетик

баҳолаш;

иситиш учун белгиланган солиштирма энергия сарфини таъминловчи гелиоуйлари лойиҳалаш кетма-кетлиги блок-схемасини яратиш;

гелиотехник талабларни қуёшли уйлари ўзаро жойлашишига таъсирини таҳлил қилиш ва кўчаларни ҳар хил йўналиши ва бинони участкада жойлашишига қараб лойиҳалар ечими номенклатурасини яратиш;

гелиотехник талабларни инобатга олган ҳолда кўп қаватли энергиясамарадор турар-жой биноларини архитектура-лойиҳавий ечимларини танлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қайта тикланаётган ва мавжуд давлат ва шахсий қурилган кам қаватли қишлоқ ва шаҳар уйлари, кўп хонадонли турар-уйлар ва фуқаро биноларининг бошқа турлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини хоналарни иситиш манбаси сифатида қуёш энергияси таъсири омили ва архитектура-конструктив ечими ҳамда турига кўра, биноларни иситишга энергия истеъмоли параметрлари, биноларнинг энергетик аудити бўйича илмий-тадқиқот ва экспериментал тадқиқотлари натижалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қуёш ёрдамида иситишнинг энергетик самарадорлигини баҳолашни ҳисоб-китоб, иссиқлик жараёнлари ҳамда гелиоуйларининг ҳажмий-режавий ечимларини моделлаш, гелиоуйлари қуришда худуднинг сояланишини баҳолашнинг график, экспериментал иссиқлик-техник каби усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

гелиоқурилмани қиш даврида қуёшдан максимал энергияни ишлаб чиқишни таъминлайдиган горизонтга нисбатан 60° бурчак билан ўрнатилишига нисбатан гелиоқурилмани бинонинг жанубий фасадига вертикал ўрнатишни бинодан иссиқлик йўқолишини камайтириши ва бу ечимни ёзда бинони қизиқ кетмаслигини олдини олишини ҳисобга олиб гелиоқурилмани бинога 90° бурчак остида жойлаштириш энг мақсадга мувофиқ ечим эканлиги исботланиб берилган ҳамда шу асосда гелиоуйлари лойиҳалашнинг янги талаблари ишлаб чиқилган;

иситиш даврида қуёш қурулмасини ишлаб чиқарган иссиқлик энергияси графигига нисбатан бинони шу давр давомида иситиш учун сарфланадиган иссиқлик графиги юзаларини ўзаро қопланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда қуёш иситиш тизимини бинони иситишга сарфланадиган энергиясини 50-55%, 70-75% ва 100% ни таъминлайдиган гелиоқурилманинг керакли қуёш нуруни ютувчи юзасини ҳисоблашнинг графо-аналитик усули яратилган;

гелиоуйлари лойиҳалашда қуёш энергияси тушиши тўхтагандан сўнг хона ичида керакли ҳарорат турғунлигини таъминлаш ва уни кескин пасайишини чегаралаш мақсадида бинони керакли иссиқликка турғунлигини таъминлашда унинг тўсувчи конструкциялари учун иссиқлик сифими юқори бўлган материалларни қўллаш ва уларни ташқарисидан иссиқликдан ҳимоялаш усули ишлаб чиқилган;

қуёш иситиш тизимини самарадорлиги гелиоқурилманинг қуёш иссиқлигини ишлаб чиқариш ва бинони иссиқликни йўқотиш қийматида

боғлиқлигини назарда тутган ҳолда гелиоуйни мақбул лойиҳа ечимларини излашда афзал ҳажмий ечимлардан фойдаланиш усули асослаб берилган ва шунинг асосида биноларни лойиҳалашнинг олдиндан белгиланган солиштирма иссиқлик сарфини таъминлайдиган усули ишлаб чиқилган;

40° шимолий географик кенглик шароити учун қиш фаслида қуёш ҳаракати траекториясида вақт давомида қуёшнинг азимути ва баландлигини ўзгариб боришига мос равишда бинодан тушаётган соя қўшни бинони гелиоқурилмасини қуёшдан тўсмаслигини таъминлайдиган гелиоуйларни ер майдонларида жойлаштиришнинг архитектура-лойиҳалаш принциплари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пассив қуёш иситиш тизимини қўлланишининг иқтисодий самарадорлиги ва биноларни иситиш учун сарфланадиган энергияни 60-80% тежаши тажрибада исботланган;

белгиланган солиштирма энергия сарфини таъминловчи пассив қуёш иситиш тизимли энергия самарадор биноларни лойиҳалаш имконияти яратилган;

хона ҳароратини пасайиш кескинлиги бинони солиштирма иситиш характеристикасига – q ва бинони иссиқлик сифмига – W боғлиқлигини белгиловчи муносабат аниқланган;

гелиоуйларнинг тўсувчи конструкцияларига қўйиладиган иссиқлик – техникавий талаблар аниқланган;

белгиланган солиштирма энергия сарфини таъминловчи гелиоуйларни лойиҳалаш кетма-кетлигининг блок-схемаси яратилган;

гелиоуйларни ер майдонига жойлаштиришда қиш даврида бир бирини қуёшдан тўсмаслик талаблари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қуёш энергияси ёрдамида иситилувчи биноларнинг иссиқлик-техникавий параметрларини замонавий оптималлаштириш, иссиқликни моделлаштириш усулларида, ҳисоблаш техникаси ва ўлчов воситаларида фойдаланилганлиги билан асосланади ҳамда тадқиқот натижаларининг мазкур соҳада илгаридан маълум бўлган ечимлар билан таққосланиши ва тадқиқотда таклиф қилинган умумий ҳисобий ва тажрибавий натижаларнинг ўзаро мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биноларни лойиҳалашда уларни ташқи қобиғининг иссиқликдан ҳимоя даражасини оширишни пассив қуёш иситиш тизими билан бирга қўллаган ҳолда энергиясамарадор биноларни лойиҳалашнинг назарий асослари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, гелиоуйларни иссиқликка турғунлигини таъминлайдиган ташқи қобиғига қўйиладиган талабдан келиб чиққан ҳолда белгиланган солиштирма энергия сарфини таъминловчи лойиҳалаш кетма-кетлигининг блок-схемаси яратилганлиги билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Энергия самарадор биноларни лойиҳалашнинг гелиотехник асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

илмий натижалардан фойдаланган ҳолда “Ўзбекистонда қуёш энергияси билан иситиладиган биринчи энергия тежамкор бино” лойиҳаси ишлаб чиқилган ва Тошкент вилояти Бурчимулла қишлоғида қурилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 16 августдаги №6051/09-07-сон маълумотномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ҳуқуқи агентлиги (ҳозирги ЎЗР ИМА) томонидан 2010 йил 12 ноябрдаги 3245-сон гувоҳномаси). Бинонинг солиштирма иссиқлик сарфи 49,6 кВт соат/м² йил ва қиёш иситиш тизими билан ҳисоблаганда қуёш уйида оддий уйга қараганда иситиш учун 8 баравар кам энергия сарфланиши экспериментал равишда тасдиқланган бўлиб, қўшимча харажатлар 5 йилда қопланиши аниқланган;

бинони мавжуд ҳолати, қурилиш вақтида ва энергия тежовчи технологияларни қўллашдан кейинги энергия самарадорлигини баҳолашнинг янги ёндашуви ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш учун оптимал ечимлари кўп вариантли лойиҳалаш усули мавжуд 9 қаватли турар-жой биносини энергиясамарадорлигини ошириш лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 16 августдаги №6051/09-07-сон маълумотномаси). Натижада энергияни тежаш бўйича энг тежамкор чора-тадбирларни аниқлаш ва иқтисодий жиҳатдан самарали ечимларни топиш имконини берган;

энергия самарадорликни ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Тошкентдаги “Куйлюк-2” массивидаги 4 қаватли 48 квартиралар йирик панелли турар-жой биносини энергетик реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-техник ечимларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 16 августдаги №6051/09-07-сон маълумотномаси). Натижада кўп хонадонли биноларда энергия истеъмолини лойиҳалаш ва ҳақиқий қийматлари ўртасида сезиларли фарқни аниқлашга эришилган ва бундай турдаги биноларни энергия билан қайта қуриш стратегияси таклиф қилинган;

гелиоқурилмалар юзасини ҳисоблашнинг графо-аналитик усули асосида қуёш нури билан иситилувчи энергиясамарадор биноларни лойиҳалашнинг олдиндан белгиланган солиштирма иссиқлик сарфини таъминлаш усули ТАҚИда “Энергия самарадор биноларни лойиҳалаш” фанидан бажариладиган магистерлик диссертациялари ва курс лойиҳа ишларини бажаришда ўқув жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 16 августдаги №6051/09-07-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда инновацион технологияларни қўллаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган. Улардан 1 та монография, 11 та

илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертация натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган журналларда , 5 илмий мақола хорижий журналларда чоп этилган, шунингдек,

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат бўлиб, диссертация ҳажми 182 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида “Энергия самарадор биноларни лойиҳалашнинг гелиотехник асослари” мавзусидаги диссертациянинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, мақсад ва вазифалар ҳамда тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижалар ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очилган, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилмаси ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларини жорий қилиниши ва апробацияси ҳақида маълумотлар ҳам келтирилган.

Диссертациянинг “**Энергия самарадор биноларни лойиҳалашда қуёш нури энергиясидан фойдаланиш**” номли 1-боби – Энергия самарадор биноларни лойиҳалашнинг базавий принциплари тадқиқотига бағишланган. Ўзбекистон Республикаси статистик маълумотларига кўра, қурилиш мажмуасида истеъмол қилинувчи энергиянинг умумий ҳажмидан – 90% энергия биноларни эксплуатацияси даврида уларни иситиш ва шамоллатиш учун, 8% – қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқишда, 2 % эса – бинони қуришга сарф қилинади.

Бинони энергия самарадорлигини ошириш биринчи навбатда фойдаланиш жараёнида, кишки даврда иситиш учун сарф қилинадиган энергияни камайтиришга қаратилиши керак. Даставвал айтиб ўтиш лозим, бинони энергия самарадорлигини белгиловчи халқаро қабул қилинган катталиқ буйил давомида бинони 1 м² юзасини иситиш учун сарфланадиган, ўлчов бирлиги кВт соат/м² йил бўлган, солиштирма иссиқлик сарфи ҳисобланади. Эски биноларда энергия сарфи 300 кВт соат/м² йилни ташкил этса, янги энергиясамарадор биноларда бу кўрсаткич 15 кВт соат/м² йилга тенг ва ундан кам бўлиши керак. Ўзбекистонда биноларни турига, қурилиш ҳажмига ва қаватлар сонига қараб 110 дан 215 кВт соат/м² йил қилиб меёрланган. Айрим ҳолларда якка-тартибда қурилган кишлоқ турар-жой бинолари энергия сарфи ниҳоятда юқори 450 кВт соат/м² йилни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда, биноларни энергия самарадор бўлиши ва уларни атроф муҳитга салбий таъсирини камайтириши бўйича биноларни лойиҳалашнинг олти принципи қўлланилиши назарда тутилган.

Биринчи принцип: –энергияни сақлаш принципи, бинонинг бутун ҳаёт цикли давомида жорий қилиниши керак, яъни унинг қурилишида, эксплуатациясида ва якуний бузилишида. 90-йиллар бошида, Дармштадт

(Германия) даги “Пассив уй Институти” асосчиси доктор Вольфганг Файст ва Лунд университети (Швеция) дан профессор Бо Адамсон “Пассив уй” концепциясини таклиф қилдилар. Пассив уйнинг асосий принципи – бу бино қобиғининг юқори самарадорлигидир.

Иккинчи принцип: қуёш нури энергиясидан фойдаланиш асосида уйларни иситишни назарда тутуди (“қуёшли уй”). Эрамизгача 1 асрда Қадимги Рим турар-жой архитектурасида деразадан фойдаланила бошланганда ҳам, қишда паст жанубий қуёшдан ёруғлик ва иссиқлик манбаси сифатида фойдаланиш оддий ҳолат эди. Умумий эмпирик қоида мавжуд, унга кўра, тўғри лойиҳаланган пассив қуёш уйи, худди шундай майдонга эга анъанавий лойиҳаланган уй билан таққослаганда, қурилишнинг атиги 5-10% га қимматлашувида, иситиш учун харажатлар 75% га пасайиши кузатилган.

Учинчи принцип: янги қурилиш ҳажмларининг қисқариши. Қадимдан инсонлар эски бино ва қурилмаларидан ёки фақат эски биноларни бузиб олинган материаллардан янги қурилмаларни қуришда фойдаланишган. Масалан, Англиядаги Сейнт-Албан аббатлиги қурувчилари ўз вақтида Римнинг Веруланум шаҳри ҳаробалари ғиштларидан фойдаланишган. Рус ва Скандинавия ёғоч архитектураси амалиётида, эски қурилмалардаги яроқли эски балкалар ва стропилаларни ажратиб олиб, янги уйларда қайтадан ишлатганлар. XX аср ўрталарида, бошқа ёндашув ғалаба қозонди – қурувчилар ҳукумат ва инвесторларни барчасини бузиб, бўш жойда қуриш арзон ва самаралироқ, деб ишонтира бошладилар.

Тўртинчи принцип: уй эгаларига ҳурмат. Бу принцип бино функциясига ёндашувнинг сифатли ўзгаришидан иборатдир, бунда архитектор ҳам, қурувчи ҳам, турар-жой эгаси ҳам бинога фақат оддий яшаш учун машина сифатида қарамасдан, Ле Корбюзье таъкидлаганидек, корпоратив мулк деб қарашлари керак, бинодан фойдаланишда ҳар бир яшовчи катта рол ўйнайди. Бу принцип асосида, бинолар ижтимоий-йўналтирилган, яъни яшовчилар талабларига кўпроқ жавоб берувчи қилиб қурилади.

Бешинчи принцип: жойга ҳурмат принципи. Бино архитектурасини ҳеч нарса у яратилаётган жойдек шакллантирмайди. Лекин Европада қадимдан, шарқий фалсафадан фарқли равишда, табиатга бошқача муносабат шаклланган.

Олтинчи принцип: яхлитлик. Айнан шу принцип экологик йўналтирилган архитектура идеалини ифодалайди. Лекин юқорида санаб ўтилган барча принциплар биргаликда ишлашига эришиш осон эмас.

Мазкур диссертация энергия самарадор биноларни лойиҳалашда энг аҳамиятли ҳисобланган биринчи ва иккинчи принципларни биргаликда оптимал ҳисобга олинишини илмий асосларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Бино қобиғининг энергия самарадорлигини оширишга асосланган биринчи принцип талаблари бўйича ўтган асирнинг 70-йилларида уйларнинг бир неча лойиҳаси ишлаб чиқилиб амалга оширилди. 80-йиллар ўрталарида, Европанинг айрим давлатларида, кенг жорий қилиш учун, энергия тежовчи технологиялар ва уларни стандартлаштирувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Худди шу даврда немис архитектори Вольфганг Файст томонидан

“пассив уй” (Passivhaus)⁴ (энергия сарфи 15 кВт соат/м² йил) концепциясини ишлаб чиқди. Бугунги кунда пассив уй қурилиш стандартига киритилди, иситиш учун энергиянинг минимал сарфловчи қулай, табиий муҳитга дўстона муносабатда ва имкони борича унга камроқ таъсир кўрсатувчи турар-жой биноларини яратишга имкон беради.

Янги замонавий қишлоқ уйларини қурилиши дастурининг амалга оширишнинг дастлабки даврларида кенг тарқалган 184-сериядаги 4 хонали намунали қишлоқ уйига ҳар йили 41,5 минг. кВт соат/йил энергия сарф қилинади. Ундан 35,0 минг. кВт соат (80%) иситиш ва табиий вентиляция учун ишлатилади. 5 кишилиқ оила учун иссиқ сув таъминотига 5,7 минг. кВт соат/йил (15%) энергия сарф қилинади. Битта оиланинг электр энергия йиллик истеъмоли, ўртача бир ойлик сарф 110 кВт соат эканлиги эътиборга олинганда йиллик харажат 1,3 минг. кВт соатни ташкил қилади, бу умумий энергия сарфининг 5% идир⁵.

Кўп хонадонли уйларда, иситиш учун сарфланадиган энергияни иқтисод қилишнинг катта имкониятлари мавжуд. Масалан, ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган уйларнинг ҳозирги ҳолати бўйича бажарилган энержоаудит ҳисоби ҳар йили бинонинг 1 м² майдонни иситиш учун 253 кВт/соат иссиқлик энергиясини сарф қилади, бу уларнинг қурилиши вақтидаги бошланғич ҳолатдагидан икки марта кўпдир. Энергияни тежовчи чоралардан фойдаланиб, энергия сарфларни йилига 70 кВт соат/м² га камайтириш мумкин бўлиб уйларда иситиш учун сарфланадиган энергияни уч баробаргача қисқартириш имконияти мавжуд.⁶

Энергия самарадорлик нуқтаи-назаридан, фақат қуёш батареялари билан жиҳозланган уйлар электр таъминоти учун истиқболли эмас. Чунки бинодан фойдаланиш даврида, энергия истеъмолининг асосий қисми бу иситиш ва иссиқ сув билан таъминлашга сарфланади.

Иссиқлик насослари ёрдамида, атроф-муҳитдан иссиқликни олиш – биноларда энергиядан самарали фойдаланиш учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда қишки даврда ташқи ҳаво иссиқлигини ўзлаштириш ҳисобига иситиш функциясига эга кондиционерлардан хоналарни иситиш мақсадида кенг фойдаланилади. Бу иситиш учун электр энергиясидан 2,5-3,0 марта самаралироқ фойдаланиш имконини беради.

Диссертациянинг “**Қуёш энергиясидан иситилувчи энергия самарадор бинолар**” номли **2-боби**да биноларни иситиш учун қуёш нури энергиясидан фаол (актив) ва пассив усуллардан фойдаланиш таҳлил қилинган.

Биноларни иситиш учун қуёш энергиясидан фойдаланишга интилиш ўз илдизлари билан қадимга, антик архитектурага (Витрувий, Ксенафонт) га бориб тақалади⁷.

⁴Sue Roaf, Manuel Fuentes, Stephanie Thomas. Ecohouse: a design guide (third edition) / UK, England: Architectural Press. – Oxford, Elsevier, 2007. – 480 pages. – ISBN: 978-0-7506-6903-0.

⁵Захидов М.М. Эффективность нормативных документов в проектировании энергосберегающих сельских жилых зданий. Архитектура строительство дизайн №1-2 2017г.

⁶Захидов М.М. Об эффективности применения энергосберегающих мер в существующих многоэтажных жилых зданиях. Архитектура строительство дизайн №1-2 2018г.

⁷П.Р.Сабади, Солнечный дом . Пер. с англ. М., 1981.

Энергиядан фойдаланишдаги илмий-техник ютуқларнинг турли босқичларига мос келувчи архитектуранинг тарихий роли шубҳасиз ва аҳамиятлидир. Ўзбекистон архитектура тарихидаги халқ анъаналарида энергиядан рационал фойдаланишга ва қуёш энергияси ёрдамида уйларни иситишга ҳам эътибор берилган. Биноларни ёзда ортиқча исиб кетишдан ҳимоялаш бўйича меморий анъаналарнинг етарлича ўрганилганлигига қарамасдан, давомли киш даврида биноларни иситиш учун ёқилғилар ва муқобил энергия манбаларидан рационал фойдаланишнинг архитектуравий масалалари деярли ўрганилмаган. Ўзбек халқ иморати – архитектуравий усуллар ва маҳаллий материаллардан, ёқилғидан самарали, ҳамда ўрнида фойдаланишда, халқ меъморлари маҳоратига ажойиб мисолларни келтириш мумкин (Бухороча ички **ҳовли** шаҳар уйлари) ва бунда қуёш энергиясидан бинони иситиш учун фойдаланиш алоҳида муҳим ўринга эгадир.

Биноларда қуёш иссиқлигидан фойдаланиш бўйича реал тадқиқотлар ва амалий ҳаракатлар катта ўлчамдаги арзон қурилиш ойналарини кўп миқдорда ишлаб чиқиш технологиясининг тадбиқ қилингандан сўнг амалга оширила бошлади. Эксперимент тариқасида, қуёшли иситилувчи биринчи уйлар 1930 йилларда Тошкент яқинида қурилади бошланган (В.А.Вейнберг). 1940-50 йилларда⁸ АҚШдаги Массачусет технологик институтида қуёш энергияси ёрдамида иситилувчи бир қаватли уйлар (гелиоуйлар) ишлаб чиқилди ва қурилди. Гелиоуйларда давомли булутли об-ҳаво ҳолатлари ва йиғилган қуёш иссиқлиги етмаган кунлар учун, оддий ёқилғидан фойдаланувчи иситиш тизими кўзда тутилган.

Иситиш учун қуёш энергиясини амалий жорий қилишда архитекторлар ва турли касб эгалари бўлган ташаббускор-ҳаваскорлар Мари Телькес, доктор Лёф, Г. Томассон, Д. Балкомб, Д. Баерлар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Ўзбекистонда илк бор қуёш энергиясини биноларни иситиш бўйича тадқиқотлар Г.Я. Умаров⁹, Р.Р. Авезов ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

1970 йиллар бошида кузатилган бутунжаҳон энергетик инқирози гелиоэнергетика ривожланишига кучли туртки бўлди. Агарда дастлаб қуёш иситиш усулларининг фаол тизимлари кенг қўлланилган бўлса, кечроқ даврларга келиб эса, махсус гелиотехник ускуналардан фойдаланмасдан, пассив қуёш иситиш тизимларига катта эътибор қаратилади бошланган. Уйларни қуёш нури билан самарали иситиш ва иссиқликни аккумуляция қилиш махсус конструктив ва архитектуравий ечимлар ёрдамида эришилади. Бунда бинони ориентацияси, фойдаланиладиган қурилиш материалларининг иссиқлик ҳимоя ва иссиқликни аккумуляция қилиш хусусиятларидан маҳорат билан фойдаланиш талаб қилинади.

Пассив тизимларда қуёш энергияси ёрдамида уйларни иситиш асосан икки хил тўғри ва билвосита усуллари ёрдамида амалга оширилади.. Қуёш нуридан тўғридан тўғри иситилувчи уйларда, жанубга қараган катта ўлчамли,

⁸Вейнберг В.Б. Оптика в установках для использования солнечной энергии М., Оборонгиз, 1959г.

⁹Умаров Г.Я., Авезов Р.Р. и др. Использование низкопотенциальных солнечных установок. Ташкент 1976.

деразалар орқали қуёш нури тушиб хоналар бевосита иситилади. Аммо бу усулнинг жиддий камчиликларидан хона ҳароратини кескин ўзгариши айниқса тунда совуб кетиши амалда бу тизимни самарасизлигини кўрсатди. Сўнги тадқиқотлардан маълумки, хоналарга қуёшнинг иссиқлигини билвосита усул билан узатиш яъни алоҳида хажмга эга бўлган ойнабанд бино қисмларида қуёш нури энергияси иссиқлик энергиясига айлантирилиб сўнгра хоналарга узатилади. Бу тизимнинг энергетик ва эксплуатацион афзалликлари кўпгина ўтказилган тажрибаларда аниқланган.

Қуёш билан иситилувчи уйларни лойиҳалаш энергия таъминоти анъанавий тизимли уйларни лойиҳалашдан тубдан фарқ қилади. Мавжуд бинолар ва лойиҳаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида, оптимал лойиҳаланган пассив қуёшли уй, худди шундай майдонга эга “оддий” бино билан таққослаганда, қурилишнинг атиги 5-10% га қимматлашувига, иситиш учун энергия сарфини эса 75%га камайишига эришиш кузатилган. Лекин, АҚШнинг иқлими Ўзбекистоннинг ўртача иқлимидан совуқроқ бўлган Янги Англия ҳудудида Норман Б. Саундерс томонидан яратилган пассив қуёшли уйи (Cliff House) 100% қуёш нури ҳисобига иситилади.

Қуёш ёрдамида иситишнинг максимал самарасини таъминлаш учун гелиоуйларнинг дастлабки архитектуравий ғоясини танлашда ва уни лойиҳалаш жараёнида қуйидаги асосий принциплар ҳисобга олиниши керак:

1. Бино томонидан зарур миқдордаги қуёш энергиясининг самарали ютилиб иссиқликка айлантирилишини, керакли миқдорини хоналарга узатилишини ва аккумуляциясини таъминлаш.

2. Иқтисодий асосланган ҳолда, бино қобиғидан минимал иссиқлик йўқотишларга ва бинонинг зарурий иссиқликка барқарорлигини таъминлаш.

3. Қуёш иссиқлигини ютиш ва аккумуляциясида қўлланилаётган қурилиш материалларининг ижобий хусусиятларидан рационал фойдаланиш.

Қуёш уйнинг архитектуравий концепцияси қуйидагича тасаввур қилинади – шамолдан ҳимояланган ва қуёшга қаратилган ҳажмий ечим, қуёш нурини йеғиш мақсадида жанубга нисбатан радиал очик шакллантирилган, шамолдан ҳимоя деворига эга, бўғотли том юқори баландликдан тушаётган ёзги қуёш нуридан ҳимояланиш имкониятини беради.

Куруқ иссиқ иқлим ҳудудларида турар-жой бинолари қурилиши шу жумладан гелиоуйлар ҳам ҳар доим ёз шароитидаги муҳитнинг салбий таъсиридан ҳимояланишига қўйиладиган талабларига жавоб бериши керак. Бу ҳудудлардаги лойтупроқли (пахсали) уйлар ўзича пассив қуёшли тизимдир, чунки унинг улкан пахса деворлари уйнинг ички ҳароратини аъло даражада барқарорлаштиради¹⁰.

“Пассив қуёш иситиш тизимли энергиясамарадор биноларни лойиҳалашга қўйиладиган талаблар” деб номланувчи 3-бобда қуёш иситиш тизимининг самарали ишлашини таъминловчи гелиоуй архитектуравий ечимларига гелиотехник талаблар тадқиқотлари натижалари келтирилган. Қуёш коллектори ишлаб чиқувчи иссиқлик миқдори унинг юзасига тушувчи


¹⁰Суханов И.С. Лучистая энергия солнца и архитектура. Ташкент. Фан, 1973.

Йиғинди қуёш радиацияси миқдорига боғлиқ. Қурилма сиртига тушаётган энергия унинг оғиш бурчагига ва ориентациясига боғлиқ. Оптимал лойиҳа ечимларини излашда, гелиоқурилманинг иссиқлик ҳимоя хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга, булар аниқ ҳажмий-фазовий ечимларда биноларда иссиқлик йўқотишларини пасайтиришда фойдаланиш мумкин. Гелиоқурилманинг горизонтга нисбатан ўрнатилиш бурчаги ва бино ҳажмида жойлаштириш усулини танлашда, ундан фойдаланишнинг ўзига хослиги ҳам таъсирини кўрсатади. Қуёш энергиясини максимал тушиши нуктаи-назаридан гелиоқурилманинг оптимал бурчаги горизонтга нисбатан 60° га тенг, бироқ конструктив ва эксплуатацион мулоҳазалар асосида, қурилмани вертикал жойлаштириш афзалроқдир.

Диссертацияда гелиоускуналарнинг бино ҳажмида турли вариантларда жойлашишлари таҳлил қилинган: томнинг жанубий нишабида 60° бурчак остида (базавий ечим), бинодан алоҳида ҳудудда оптимал бурчакда жойлашган ва қурилма бинонинг таркибий қисми сифатида вертикал ойнаванд ҳажми ташкил этади. Гелиоуйни мақбул ҳажмий ечимини танлашда шунингдек, ёз давридаги қуёшнинг пешиндаги горизонтга нисбатан 73° кўтарилган ҳолати учун, ойнаванд ҳажми офтобдан ҳимоялаш зарурлиги ҳам таъсир кўрсатади (1-расм).

Ўзбекистоннинг табиий-иқлимий шароитлари учун кам қаватли турар-жой қурилиши анъаналарини ҳисобга олган ҳолда, қуёш коллекторини бинонинг жанубий фасадида вертикал жойлаштириш жуда мос тушади. Кўп йиллар мобайнида шаклланган миллий турар-жой биноларида анъанавий ҳисобланган жанубга қараган ойнаванд айвон ушбу ҳолатда паст температурали қуёш коллектори вазифасини самарали бажаради. Шундай қилиб, уйларда янги элемент айвон – гелиоқурилма пайдо бўлади.

Пассив қуёш иситиш тизимлари гелиоқурилмаларининг геометрик ўлчамлари табиий-иқлимий хусусиятлар билан аниқланиб ишлаб чиқарилувчи энергия катталигига тўғри пропорционалдир. Гелиоқурилма юзаси ўлчамлари аҳамиятли бўлиб бинонинг геометрик параметрлари билан мутаносиб. Энергетик самарадорлиги олдиндан белгиланган гелиоуйларни лойиҳалашдаги архитектуравий масалаларни ҳал этишда пассив қуёш иситиш тизимлари учун муаллиф томонидан гелиоқурилманинг талаб қилинган майдонини аниқлашнинг янги, графоаналитик усулини тавсия қилади (2-расм).



1–расм. Гелиоуйнинг самарадор ҳажмий ечими: а – гелиоқурилманинг иссиқлик баланси; б – гелиоуйнинг энергияни фойдаланишдаги самарадорлиги +18% бўлган афзал ҳажмий ечими; в – ёзда гелиоқурилмани қуёшдан ҳимояланиши.

Тавсия қилинган усулнинг моҳияти шундаки, гелиоқурилманинг иссиқлик ишлаб чиқариши ва бинони иситиш даврида иссиқликка бўлган талаблари қиёсий графиклари қурилиб қуёш иситиш тизими самарадорлиги унинг иситиш давридаги ишлаб чиқарган энергияси графигини бинодаги иссиқлик йўқотишлар графигини қанча қисмини қопланишини аниқлашдан иборат. Қуёш энергияси миқдорини ярим очиқ об-ҳаво шароитида қуёш энегиясини миқдорини ҳар хил соатлардаги давомийликдаги қийматлари орқали аниқлаш мақсадида об-ҳаво самарадорлиги коэффициенти тушунчаси киритилди.

Диссертацияда қуёш иситиш тизимини энергетик самарадорлиги градациялар бўйича Эгс қийматларини 50-55%; 70-75% и 100% аниқлаш формулалари келтирилган. Ҳар бир градация учун гелиотизим ишлаб чиқарган энергиянинг ишлатилганлик даражаси қуйдагича: Эгс =50-55% бўлганда, И = 97-100% бўлиши аниқланган. 100% ли қуёшли иситишда эса, қуёш иссиқлигидан фойдаланиш И = 55-59% ни ташкил қилади (2-расм). Яъни иситиш даврининг боши ва охирида ишлаб чиқарилган энергиянинг деярли ярмиси ортиқчадир. Бу ҳолат пассив ва “0” энергия сарфловчи гелиоуйлари лойиҳалашда катта эътиборни тўсувчи конструкцияларни иссиқлик ҳимоясини оширишга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

Муаллиф томонидан тавсия қилинган услубият – Эгс нинг берилган қийматлари учун пассив қуёш иситиш тизими гелиоқурилманинг талаб қилинадиган юзасини аниқлаш имконини беради. Масалан, ўртача йиллик энергия сарфи 25152 кВт соат ва буни қоплаш учун 3038м³ табиий газ сарфланадиган 184 серияли 3-хонали қишлоқ уйини 50% энергия сарфини қуёш энергияси билан таъминлаш ва маҳаллий бинони энергиясамарадорлигини оширадиган тадбирни қўллаш табиий газни умумий иқтисоди 70% яъни 2126 м³ни ташкил қилади. Бунда гелиоқурилма сифатида хизмат қилувчи айвоннинг қуёш нуруни қабул қилувчи юзаси 37м² ни ташкил қилади.



2-расм. Қуёш иситиш тизимини энергетик самарадорлигини аниқлаш учун таклиф қилинаётган графо-аналитик усул.


Пассив қуёш иситиш тизимлари даврий ўзгарувчан иситиш тизимига киради. Хоналарда барқарор температурани таъминлаш учун тизим иссиқлик

аккумулятори билан жиҳозланиши ва бино зарурий иссиқлик турғунлигига эга бўлиши керак¹¹.

Қиймати кун давомида ўзгарадиган қуёш нури энергияси билан иситиладиган бинони температура режимини моделлаштириш ёпиқ мухитни иситиш ва совутишда узук-узук иситиш тизимидан фойдаланиш жараёни каби қаралиб хона ҳароратини пасайиш кескинлиги бинони солиштирма иситиш характеристикасига – q ва бинони иссиқлик сифимига – W боғлиқлигини белгиловчи муносабат аниқланди (3-расм).

$$t = t_0 e^{-\frac{q}{W}\tau} + \left(t_n + \frac{Q}{q}\right) \left(1 - e^{-\frac{q}{W}\tau}\right)$$

Бу ерда: t_0 , t и t_n – хонадаги бошланғич ва ўтаётган вақтдаги ҳаво ҳарорати ва ташқи ҳаво ҳарорати⁰C; τ – вақт соатларда; Q – иссиқлик ажралишини қўшимча манбааси.



3-расм. Хона ҳароратини пасайиши жадаллилигини бинонинг солиштирма иситиш характеристикасига ва иссиқлик сифимига боғлиқлиги.

“Ўзбекистонда қуёш билан иситилувчи биноларни лойиҳалаш, қуриш тажрибаси ва экспериментал тадқиқотлар” деб номланувчи 4-бобда Ўзбекистоннинг иқлим шароитларида қуёш иситиш тизимларининг энергетик самарадорлигини экспериментал тасдиқловчи ва қурилиши бўйича малумотлар келтирилган. Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг янги соҳаси сифатида гелиотехника ривожининг эртанги босқичида, ўтган асрнинг 30-йилларида профессор В.Б.Вейнберг ташаббуси билан Тошкент яқинидаги Қоплонбекда мавжуд бир қаватли уйни иситиш учун қуёш сув иситгичлардан фойдаланилган.

Қуёш нури энергиясидан фойдаланишнинг илмий асослари Ўзбекистон Республикаси ФА Физика-техника институти томонидан амалга оширилиб келмоқда. Бажарилувчи илмий дастурлар доирасида, қуёш ҳаво иситгичларидан ташкил топган гелио тизимининг ҳақиқий самарадорлигини


¹¹BrankoLalovic. Nasusnosunse. Nolit. Beograd 1982.

аниқлаш мақсадида, 1973 йилда эксперимент тариқасида 3 – 35 – 3ш рақамли типовой лойиҳали шит конструкцияли кўп хонадонли уйга тадбиқ қилинди¹².

1997 йилда муаллиф томонидан қишлоқ худудларида индивидуал қуриш учун қуёшли уйлар лойиҳаси ишлаб чиқилган. Лойтупроқ-пахса деворли уй лойиҳаси 3 та экспериментал хоналардан иборат бўлиб, Тошкент вилояти Минерал сувлар поселкасида қурилган. Бу уйда энергиянинг 60% иқтисодига эришиб, қуёшли уйларни қуришда арзон маҳаллий материаллардан фойдаланиш истиқболи тажрибада исботланди.

Мавжуд уйлардаги энергия тежалишининг реал потенциалини аниқлаш мақсадида 2006 йилда мавжуд бир қаватли бинонинг бир қисмини пассив қуёш иситиш тизимли уйга айлантириш бўйича “SOLARON-1” номли энергетик реконструкция лойиҳаси қўлланилиб ижобий натижалар олинди¹³. Иситиш учун ёқилғи сарфи оддий уй билан солиштирганда 8-11 марта қисқарди. Мавжуд биноларда пассив қуёш иситиш тизими технологиясидан фойдаланиш иқтисодий самарадордир, чунки қўшимча харажатлар 4-5 йил давомида ўзини қоплаши аниқланди.

Тошкент вилояти Янгиқўрғон поселкаси Бурчмуллада дала ҳовли сифатида қурилган қуёшли уй лойиҳаси муаллифи архитектор М.М.Захидов томонидан уй эгаси шахсий буюртмаси бўйича бажарилган.



4-расм. Тошкент вилоятидаги Бурчмуллада қишлоғидаги биринчи қуёш нури билан иситилувчи энергиясамарадор бинода ўтказилган тажриба натижалари: 1—хона ҳарорати; 2—айвон ҳарорати; 3—ташқи ҳаво ҳарорати.


Объектнинг қурилиши 2008 йилда бошланиб, 2009 йилда тугатилган. Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ҳуқуқлари бўйича Агентлиги томонидан бу уй архитектура ва қурилишнинг замонавий талабларига жавоб берувчи ва турар хоналардаги микроклимнинг зарурий шароитларини таъминловчи пассив қуёш иситиш тизимли биринчи реал объект эканлиги

¹²Умаров Г.Я., Авезов Р.Р. и др. Использование низкопотенциальных солнечных установок. Ташкент 1976.

¹³Захидов М.М. Энергоэкономичное здание с использованием пассивной технологии солнечного отопления «ГЕЛИОТЕХНИКА» №2 2007г.

тасарруф этилди¹⁴. Гелиоуйда иситиш учун энергия сарфи меъёрларда кўзда тутилган энергия сарфидан 8 марта кам ва 30 кВт соат/м² йил дан кам қийматни ташкил қилади (4-расм).

Республикамизда лойиҳа-режавий ечимлари яхшиланган, энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиб, арзон қишлоқ уйларини оммавий қурилишини амалга ошириш бўйича дастурлар фаол қўлланилмоқда. Бино тўсиқ конструкциялари иссиқлик ҳимоясининг маълум ечимлари замонавий иссиқлик ҳимоя материалларнинг қишлоқ аҳолиси учун қимматлиги, иссиқлик ҳимоялаш ишларининг мураккаблиги ва ишлаб чиқаришнинг қимматлиги сабабли, арзон қишлоқ уйларини қуришда ҳар доим ҳам қўлланилмайди. Қулай ва оддийроқ технологиялар билан қишлоқ уйларидаги энергия сарфини камайтириш имконини берувчи янги инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш ниҳоятда долзарб.



5-расм. Кам қаватли биноларда қуёш билан иситишнинг энергетик самарадорлиги ва аҳамиятлилиги.


2017-2018 йилларда ТАҚИда бажарилган ДИТҚ нинг амалий тадқиқотлар бўйича ОТ-А14-15 “Маҳаллий қурилиш материаллари асосида типовой қишлоқ уйларининг смета қийматини қимматлаштирмайдиган энергия сақловчи технологиялар” лойиҳаси қишлоқдаги қурилишда маҳаллий материаллардан фойдаланиш истиқболини илмий ва экспериментал асослашга йўналтирилган. Ташқаридан иссиқлик изоляцияси сифатида экологик тоза табиий изоляцион материал билан ҳимояланган тўсиқларнинг юк кўтарувчи қисми иссиқлик сиғими юқори бўлган бетон блоклар (уларни шлакоблоклар деб аташ қабул қилинган) дан бажарилган ташқи деворлар лойиҳада энг афзал ечим сифатида кўриб чиқилди. Ушбу лойиҳа ғояси шундаки, самарали ташқи иссиқлик изоляциясидан фойдаланиб, бетон блоклар камчиликлари ютуқларга айлантирилади. Бетоннинг юқори иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти ва иссиқлик сиғими бинонинг иссиқлик аккумуляциясини оширишга ёрдам беради. Натижада уй нархи ўрнатилган базавий қийматни оширмасдан, бир 40% га кам ёқилғини сарфлаш имконини беради. Деворнинг ички юзаси ва

¹⁴Первое энергоэкономичное здание с солнечным отоплением в Узбекистане. Авторское произведение №3245 12 ноября 2010г. Узбекское республиканское агентство по авторским правам

хонадаги ҳаво ҳароратлари орасидаги фарқ камайиб, намлик ва совуқ ҳаво оқимлари ҳосил бўлмайди, хоналарда яхши микроиклим шакилланади.

